

Уламолардан тилигни тий!

Image not found or type unknown



11:00 / 25.02.2021 2692

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда аҳли илмларни мақтаб шундай деб марҳамат қилган:

أُوْحَسِّنْ فَاِذَا سَأَلَكَ عِبَادِي عَنِّي اِنَّمَا ابْتَغَىٰ وُجْهًا لِّرَبِّهِ ۗ اِنَّمَا اَسْأَلُ عَنِّي وَاجْهًا لِّرَبِّي ۗ اِنَّكَ اَنْتَ الرَّحْمٰنُ الرَّحِيْمُ
اِنَّكَ اَنْتَ الرَّحْمٰنُ الرَّحِيْمُ

«Эй иймон келтирганлар! Агар мажлисларда сизларга «Жой беринг», дейилса, бас, жой беринг, Аллоҳ сизларга ҳам жой берадир. Агар «Туринг», дейилса, туринги, Аллоҳ сизлардан иймон келтирганларни, хусусан, илмга берилганларни даражаларга кўтарур. Аллоҳ нима амал қилаётганингиздан ўта хабардордир»
(Мужодала сураси, 11-оят)

Абу Дардо розияллоҳу анҳу айтади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Олимнинг обиддан ортиқлиги, менинг сизларнинг энг пастингиздан ортиқлигим кабидир. Дарҳақиқат Аллоҳ ва Унинг фаришталари, осмонлар ва ер аҳллари ҳатто уясидаги чумоли ва ҳатто балиқ одамларга яхшилиқни таълим берадиганга саловат айтади**», дедилар». *Абу Довуд, Термизий ва Ибн Можа ривояти.*

Олимга душманлик қилган одам Аллоҳга уруш қилганга ўхшайди. Аллоҳ азза ва жалла билан урушган ғолиб бўлармиди?! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «**Аллоҳ айтади: «Ким менинг дўстимга душманлик қилса, унга уруш эълон қиламан».**

Бухорий ривояти.

Ибн Ҳажар роҳматуллоҳи алайҳи айтади: «Аллоҳнинг дўстидан мурод Аллоҳни танийдиган, Унинг тоатида доим бўладиган олимдир» (Фатҳул Борий, 11-жилд, 342-бет).

Ибн ал-Жавзий раҳимаҳуллоҳ «Ким мусулмонларнинг обрўсига тил теккизса, уларнинг тирноғи остидан кир қидириб, айбларини очишга уринса ўлим келган пайтда Аллоҳ унинг тилини шаҳодат калимасини айтишдан тўсиб қўяди» деганлар.

Уламоларимизни калака қилишга уриниб, турли видеоларни монтаж қилиб, уламолар ҳақида ҳақоратли гапларни постига жойлаётганлар!

Ислом душманларини ҳам шунчалик ёмон кўрасизларми?

Уламоларни ҳақорат қилишдан тийилмаётган тилларингиз ўлим пайтида калимаи шаҳодатни айтишдан тийиб қўйилишидан қўрқмайсизларми?

Уламоларни масхара қилиш учун уринаётган тилларингиз, оёқларингиз ва қўлларингиз қиёмат куни ўзингизга қарши гувоҳлик беришидан қўрқмайсизларми?

Ўша сиз турли лақаблар қўйиб, ёмон кўраётганингиз аҳли илм сизнинг наздингизда Ислом душманларидан ёмонроқми?

Бир мусулмонни устидан кулаётганингиз ҳақида ўйлаб кўрасизларми?

Суҳайл Андалусий раҳматуллоҳи алайҳ айтади: «Бир қўшнимиз бор эди. Аллоҳ бойлик ва обрўни бериб қўйган, жуда сердавлат эди. Унинг энг ёмон одати дин олимларини калака қилиш ва уларга азият бериш эди. Бир куни

Аллоҳ розилигини истаб насиҳат қилдим. У мени камситиб уйидан ҳайдади. Аллоҳга қасамки, орадан 20 йил ўтиб фалаж бўлиб қолди. Мол дунёсидан айрилди. Муҳтожликдан шаҳар бозорида тиланчилик қила бошлади. Бир кун бозорда кўринмай қолди. Орадан уч кун ўтиб, бозор орқасидаги ташландиқ жойдан жасади топилди. Бутун шаҳар уламолари азият кўрган бу инсоннинг ниҳояси мана шундай якун топди».

Абу Ҳанифа ундоқ, Бухорий бундоқ, фалон олим фалон дейдиганларга ҳар қанча тушунтирманг, тушунишни истамайди. Шунақаларни айлангириб солсанг.

Ҳой тилига эрк бераётганлар, уламоларга сакраманглар, тилларингни тийинглар!

Аллоҳ таоло барчамизни мағфират этсин, Ўзининг ҳидоятидан айирмасин ва хотимамизни чиройли қилсин!

Манбалар:

Quran.ksu.edu.sa

Islom.uz

Muslim.uz

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади